

« 17 » 11 2022 й.

Асака тумани

Асака туман Тиббиёт бирлашмаси бўлими номидан ҳаракатдаги Низоми асосида иш юритувчи, бўлим мудирини Ш Камолов бир томондан, кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи ва "SADAF STROY KAMFORT" Масъулияти чекланган жамияти Низомида берилган ваколат асосида ҳаракат қилувчи раҳбари М. Абдусаломов иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилувчи, объектни фойдаланишга топшириш тўғрисида мазкур пудрат шартномасини тўздилар.

1. Шартнома мазмуни.

1.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ, Асака туман Тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги Юқумли касалликлар шифохонасини мукамал таъмирлаш объектини фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса қурилиш ишларини бажарилиши учун ушбу шартнома шартларига мувофиқ, зарур шароитлар яратиш, ишларни қабул қилиш ва маблағ билан таъминловчи орган томонидан маблағ ажратилганидан сўнг белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

1. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2.1. Мазкур шартнома бўйича, Тендер (танлов) савдоси натижасида аниқланган ва тендер (танлов) комиссиясининг қарори 11.11.2022й. (Лот рақами №22110012178363) даги баённома билан тасдиқланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати лойиҳа смета ҳужжатларига асосан ҚҚС билан 874 389 630 (Саккиз юз етмиш тўрт миллион уч юз саксон тўққиз минг олти юз уттиз минг) сўми ташкил этади. шундан ҚҚС сўммаси 114 050 821 (бир юз ун тўрт миллион эллик минг саккиз юз йигирма бир минг) сўм.

2.2. Ишлар қиймати ўзгармас ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳолларда нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин:

- енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачининг ёзма кўрсатмасига асосан ўзгартирилганда;

2.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар, Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1. Шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун Пудратчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- барча ишларни объектни лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ, шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига шартномада кўрсатилган муддатда топшириш;
- қурилиш майдонига "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги"га киритилган ва қўлланишга мослик сертификатига эга булган, зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- Ёрдамчи пудратчилар билан тузилган шартномалар бўйича, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида Буюртмачига ёзма равишда ахборот бериш;
- шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолат-номага имзо чекилгандан бошлаб, бир ой муддатда, қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

- объектда қонунда белгиланган тартибда меҳнат ва ҳавфсизлик техникасини таъминлаш;
- қурилиш майдонини, ундаги қурилиш хом ашёлари, конструкциялар, асбоб-ускуна-ларни кўрикланишини таъминлаш.
- Пудратчи ҳисобот ойининг 25 санасидан кечикмаган ҳолда Буюртмачига ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми ва қиймати бўйича, белгиланган тартиб ва шаклда расмийлаштирилган, ҳисобот ҳужжатларини (счёт-фактура) тақдим қилиши, бунда ҳисобот ҳужжатларига бажарилган ишлар, қўлланилган қурилиш материаллари ва конструкцияларининг калькуляцияси, сифат сертификати ва бошқа керакли ҳужжатлар илова қилиниши; (форма 2, форма 3, форма 5, *биринчи шахс, ҳисобчи, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи ва иш юритувчилар томонидан имзолаган ҳолда*)
- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатларини ўрганиб чиқиш, лойиха-смета ҳужжатларда аниқланган нуқсонлар ҳақида Буюртмачини, шунингдек, лойихачи ташкилотни ўз вақтида хабардор этиш;
- қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришга киришишдан олдин, лойиха-смета ҳужжатлари бўйича объектда бажариладиган иш қисмларининг олдинги фотосурат-ларини Буюртмачига тақдим қилиш;
- объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари тугатилгач, бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни Буюртмачига тақдим қилиш.
- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач белгиланган тартибда иншоотни фойдаланишга топшириш далолатномасини расмийлаштириб, Буюртмачига ҳужжат-лар тўпламини тақдим этиш;
- иншоотда бажарилган ишлар тасвирини кўрсатувчи фотосуратларни қурилиш ишлари тугаллангач Буюртмачига тақдим қилиш.
- объектни қурилишида юзага келадиган муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳақида Буюртмачини дарҳол хабардор этиш;
- қурилиш даврида Буюртмачи ва бошқа назорат қилувчи органлар томонидан берилган тегишли кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда, улар томонидан аниқланган камчиликларни ўз вақтида, сифатли бажариш;
- иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари якунлангач тўлиқ расмийлаштирилган фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси ва унга тегишли бўлган ҳужжатлар тўпламини Буюртмачига тақдим этиш;

3.2. Пудратчи, Буюртмачи томонидан ўтказилган маблағларни тўғри сарфланиши бўйича (талаб қилинган ҳолларда) намунавий шаклдаги ахборотни бериб туриши;

3.3. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчиларга фойдаланишлари учун берилишидан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас.

3.4. Пудратчи, шартнома бўйича барча ишларни ўз кучлари ёки ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни белгиланган муддатда фойдаланишга топширилиши бўйича Буюртмачи олдида тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

3.5. Пудратчи, тендер (танлов) савдолари натижасида аниқланган пудрат ишлари ҳажмини шартномада жорий ҳисобот йили учун белгиланган иш ҳажмлари доирасида бажаради ва белгиланган ҳажмдан (лимитдан) ортиқча иш ҳажмлари ва лойиха-смета ҳужжатларидан ташқари қўшимча иш ҳажмларини бажарилишига йўл қўймайди.

Шартнома шартларида белгиланган ишлар ҳажмидан ташқари қўшимча иш ҳажмлар бўйича вилоят ва маҳаллий ҳокимликлар, ташкилотлар, фойдаланувчи ташкилотнинг юқори органи ёки масъул шахслари томонидан берилган кўрсатма-ларга факат, бажариладиган қўшимча ишларни молиялаштириш манбаига аниқлик киритилиб, буюртмачи билан асосий шартномага қўшимча қилишув расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилиши белгиланади.

4. Буюртмачининг мажбуриятлари

4.1. Шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддат ичида, ишларни бажариш учун объект лойиха-смета ҳужжатларини, яроқли бўлган қурилиш майдонини қурилиш объектида ишлар тугаллангунга қадар бўлган даврга, далолатнома билан Пудратчига бериши;
- ишлар бажарилиши устидан доимий назорат қилиши, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаши;
- молиялаштириш жадвалига ва шартнома шартларига асосан маблағ ажратилганидан сўнг пудратчига (бўнак) аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши;

- Пудратчидан объектда қўлланилаётган қурилиш материаллари, бутловчи буюмлар ва конструкцияларнинг қўлланишга мослик сертификатларига эга эканлиги тўғриси-даги ва ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчи тўғрисидаги маълумотни талаб қилиш.

5. Ишларни бажариш муддати.

5.1. Шартнома имзоланиб, газначилик бошқармасида рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб томонлар учун кучга киради.

5.2. Тендер (танлов) савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти, ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

6. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар.

6.1. Буюртмачи, Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида бўнак (аванс) ҳисобидан, ажратилган маблағлари доирасида 262 316 889 (икки юз олти миш икки миллион уч юз ун олти минг саккиз юз саксон туккиз минг) сўм молиялаштириб берилади.

6.2. Пудратчига бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириши учун Буюртмачига, ишларни бажариш жадвали ҳамда қурилишга бюджетдан ёки бошқа молиялаштириш манбаидан маблағларнинг ажратилганлиги асос ҳисобланади.

6.3. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблағлари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, ишлар ҳажмининг 100 фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми сўммасидан олдин тўланган бўнак маблағи олиб қилиниб) маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади, бу 874 389 630 (Саккиз юз етмиш тўрт миллион уч юз саксон туккиз минг олти юз уттиз минг) сўмни ташкил этади.

6.4. Объект фойдаланишга топширилгунга қадар мулк ҳуқуқи Пудратчида бўлиб, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш хавфи объект топширилгунга қадар Пудратчининг зиммасида бўлади.

6.5. Шартномада кўзда тутилган барча тўловлар республика, маҳаллий бюджет ёки объект учун назарда тутилган бошқа манбалардан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра молиялаштириш кечикканда, Буюртмачи жавобгар бўлиб ҳисобланмайди.

6.6. Тендер (танлов) нархидан ташқари, технология талаби ёки юқори ташкилотлар томонидан бериладиган ёзма топшириқ бўйича бажарилган қурилиш монтаж ишлари қиймати учун, молиялаштирувчи орган томонидан маблағ ажратилгандан сўнг, тўлов амалга оширилади.

6.7. Маблағ тўланиши бўйича Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида низо келиб чиққан тақдирда, ушбу низо ижобий ҳал этилишини таъминлаш учун суд жараёнига маблағ билан таъминловчи органнинг жалб қилиниши таъминланади.

7. Ишларни бажариш.

7.1. Буюртмачи, қурилиш майдонида ўз вақилини-Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан Пудратчи томонидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланила-диган материаллар ва асбоб ускуналарни, шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник аудитор барча ишларни бажарилиши бўйича, шартноманинг бутун даври мобайнида тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Пудратчи, техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. Пудратчи, ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.5. Пудратчи, объектда ишларни олиб бориш тартибини, давлат архитектура қурилиш назорат органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

7.7. Буюртмачи шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектнинг (привязка қилиш учун) Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

7.8. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари ва бўлиш ўқларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида ҳатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.9. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига топширади.

7.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни (электр энергияси, газ, телефон тармоғи, сув) вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади ҳамда жавобгарлик унинг зиммасида бўлади.

7.11. Пудратчи, ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.12. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб, уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи, Буюртмачини ва «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекция»сини ёзма равишда хабардор қилади.

7.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи, лойиҳа ташкилоти ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекция»сини билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

7.14. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб тугаллангунга қадар Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиш санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора тadbирларини кўриш мажбур-иятини ўз зиммасига олади.

Пудратчи объектга ўрнатиладиган жиҳозларни, объектни фойдаланишга топшириш муддатидан камида бир ой олдин объектга олиб келиши лозим.

Пудратчи объектга жиҳозларни Буюртмачининг розилик хати билан расмийлаш-тирилган ҳолда олиб келиши шарт.

Пудратчи объект жиҳозларини шартномада белгиланган муддатда олиб келиб ўрнатмаса, Буюртмачи Пудратчини огоҳлантириб, шартноманинг ушбу шартини бажаришни талаб қилиш ва муддат бериш ҳуқуқига эга. Бу муддат ўн кундан кам бўлмаслиги лозим.

7.15. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан сўнг кейинги ишларни бажаришга киришади.

7.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

7.17. Агар Буюртмачи, Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини ва муддатини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

7.18. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8. Ишларини қўриқлаш.

8.1. Пудратчи, иш бошлаганидан сўнг, қурилиш тугалланиб, объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олгунга қадар, четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудуди-даги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

8.2. Фойдаланишга қабул қилинган бино ва иншоотлар, уларга тегишли жиҳозлар, мол-мулклар фойдаланувчи ташкилот балансига ўтказилгунга қадар пудратчининг зиммасида бўлади.

9. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.

9.1. Шартнома бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч натижасида келиб чиқса бу ҳолатларда томонлар мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаслиги учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Тарафлар келишуви билан, форс-мажор ҳолати даврига мутаносиб равишда шартномага ўзгартиришлар киритилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

10. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

10.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш, шартномада белгиланган тартибга мувофиқ барча мажбуриятларини томонлар бажарганларидан кейин, қурилиши тугаллаган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларга биноан амалга оширилади.

10.2. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномасини Буюртмачи олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида уни қабул қилишни амалга оширади.

10.3. Пудратчи, қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин, мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига, белгиланган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини, фойдаланувчи ташкилотларнинг қуриб битказилган (реконструкция қилинган) бинолар ва муҳандислик тармоқлари-нинг тайёрлиги тўғрисидаги хулосаларини, муҳандислик тармоқларининг синов далолатномаларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда-бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлайди.

10.4. Иншоотни фойдаланишга топшириш ва қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш Пудратчи томонидан амалга оширилади. Далолатномани ўз вақтида расмийлаштирмаганлик учун Пудратчи жавобгар ҳисобланади.

10.5. Давлат қабул комиссияси томонидан объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси тўлиқ расмийлаштирилиб, тасдиқланганидан сўнг объект қабул қилиб олинган ҳисобланади ва Буюртмачининг мулкига айланади.

11. Кафолатлар.

11.1. Пудратчи қуйидагиларни кафолатлайди:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда, шартнома талаблари асосида ва белгиланган муддатларда бажаришни;

- барча ишларни, лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ сифатли бажаришни;

- мазкур шартномага асосан бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳажми, етказиб келинадиган, қўлланиладиган қурилиш материаллари, бутловчи қисмлар, жиҳозлар қийматидан келиб чиққан ҳолда тегишли солиқ органларига, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси талаблари доирасида, белгиланган тартибда ҳисобот бериб бориш;

- қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган

сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини, қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкцияларнинг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда қўлланиладиган материал-техник ресурсларнинг жорий нархлари Каталоги”га киритилган ва қўлланишга мослик сертификатиغا эга бўлганлигини таъминлаш;

- объект қабул қилинганидан сўнг, ундан фойдаланишдаги кафолат муддати даврида, аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектда ўрнатилган муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини.

11.2. Объектда барча бажарилган ишлар, ундаги муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материалларнинг фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати, объект қабул қилиб олинганидан бошлаб камида ўн икки ой этиб белгиланади.

11.3. Агар, объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида, камчиликлар аниқланиб, у бартараф этилгунга қадар фойдаланишни имконини бермайдиган нуқсонлари аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар ва камчиликлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади. Аниқланган камчиликлар Буюртмачи ва Пудратчини ваколатли шахслари томонидан расмийлаштирилади. Тарафнинг масала юзасидан таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва унинг келмаслиги, бир тарафни камчиликлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, бошқа тарафдан ҳужжатда расмийлаштирган ишларни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи томонидан белгилаб берилади.

Агар, Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини талаб этилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат сўммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ва камчиликларни бошқа пудратчи ёллаб бартараф этиш ҳуқуқига эга.

11.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишларни расмийлаштирилишига қатнашишдан ёки тузилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортса, аниқланган камчиликларни текшириб чиқиш «Давлатархитектурақурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади.

12. Шартномани бекор қилиш

12.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмай, ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга чўзилганда;

- Пудратчи томонидан қурилиш ишлари шартнома шартлари, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига жавоб бермай, ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бажарилганида;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича ҳам шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Буюртмачи шартнома шартлари Пудратчи томонидан ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилмаган тақдирда, Пудратчига талабнома билан мурожаат этади. Пудратчи талабномани олган кундан бошлаб 10 кун ичида Буюртмачига жавоб хати ёзиши шарт. Пудратчи томонидан жавоб хати олинмаса ёки ишлар талабномада белгиланган муддатда бажарилмаса, Буюртмачи шартномани бир томонлама бекор қилиш ва ишни бошқа Пудратчи орқали давом эттириш ҳуқуқига эга.

Шартнома бир томонлама бекор қилинганида, Пудратчи 3 кун муддат ичида барча бажарган ишлари ва қолдиқ ишлари бўйича Буюртмачи билан биргаликда Далолатнома расмийлаштириши ҳамда тегишли ҳужжат ва объектни топширишни бошлаши зарур. Пудратчини қайд этилган ҳужжатни расмийлаштирилиши бўйича таклиф этилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг бўлиши ва Пудратчини келмаслиги, Буюртмачига қолдиқ ишлар бўйича ҳужжат расмийлаштириб, уни Пудратчидан талаб қилиш ҳуқуқини беради.

12.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи, молиялаштиришни шартнома шартлари бўйича бажармаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилин-ишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

12.3. Шартнома бекор қилинган тақдирда Пудратчи, Буюртмачини таклиф этиб, тугалланмаган қурилиш ишларини 3 кун муддатда Буюртмачига топширишни бошлаши зарур.

12.4. Шартнома бекор қилиниши билан айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

12.5. Пудратчининг розилигини олган ҳолда Буюртмачи айрим ишлани бажариш учун бошқа шахслар билан шартнома тузишга ҳақли.

13. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси-нинг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тўғрисида» ги қонунда ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

13.2. Шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,2 % микдорига пеня тулайди, бунда пенянинг умумий сўммаси кечиктирилган тўловнинг 50 % фоизидан ошмаслиги лозим.

13.3. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2% фоизи микдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий сўммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

13.4. Пудратчи шартнома бўйича ишларни тўлиқ бажариб, аммо бажарилган ишларни Буюртмачига топшириш мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, иншоотни қабул қилиш-топшириш далолатномасини ўз вақтида расмийлаштирмаса, ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, объект шартномавий жорий қийматининг 0,01% микдорига пеня тўлайди, аммо пенянинг умумий сўммаси объектнинг шартномавий жорий қийматининг 15%дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% микдорига жарима тўлайди.

Пеня тўлаш, Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.5. Буюртмачи, ушбу шартномада белгиланган пеня ва жарималарни, агарда уларни ундириш ҳолати юзага келса, пудратчи ташкилот тулик зиммасига олади.

13.6. Бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи «Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекция» сининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 50% микдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

13.7. Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида низо лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича келиб чиққанда низоли ҳал этиш учун иншоотни лойиҳасини ишлаб чиққан ташкилот ишга жалб қилинади. Лойиҳа-смета ҳужжатларидаги аниқланган камчилик ва нуқсонлар учун лойиҳа ташкилоти жавоб беради.

13.8. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня ёки жарима тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

14. Низоларни ҳал этиш тартиби.

14.1. Шартнома бўйича юзага келган низоли масалаларни тарафлар музокара йўли билан ҳал этадилар. Агар низоли масала ўзаро ҳал этилмаганда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туманлараро иқтисодий суди томонидан ҳал этилади.

14.2. Пудратчи томонидан бажарилган ишлар бўйича Буюртмачига республика ёки маҳаллий бюджет томонидан маблағ ажратилмаган ёки маблағ кечиккан тақдирда Буюртмачи жавобгар ҳисобланмайди.

15. Алоҳида шартлар

15.1. Шартнома имзолангандан кейин, у тузилгунга қадар шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзинмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак. Хисобот йили якуни билан бажарилмаган (яқунланмаган) юридик ва молиявий мажбуриятлар ижроси бўйича иккинчи йил учун томонлар ўртасида мазкур шартномага қўшимча келишув тузилиши, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиб, ижроси таъминланиши мумкин.

15.3. Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

15.4. Шартномада назарда тутилмаган томонларнинг ҳуқуқи ва жавобгарлиги ҳолатлари юзасидан амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.5. Томонлар юридик манзили, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда бир-бирларини 3 кун муддат ичида хабардор қилишлари шарт бўлади. Аниқланган ҳолат бўйича томонлар ўртасида қўшимча келишув расмийлаштирилади. Тарафларнинг шартномадаги юридик манзилига ҳужжатлар буюртма хат орқали юборилган ҳолда, ҳужжатлар етказилган ва юборилган тараф томонидан олинган ҳисобланади.

15.6. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилади ва тарафларда бир нусхадан сақланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тегишли органларга ҳам тақдим этилади.

15.7. Шартнома 2022 йил 31 декабр куни охирига қадар амалда бўлади. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни шартнома шартларини бажариш жавобгарлигидан озод қилмайди.

16. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари

“БУЮРТМАЧИ”

Асака Тиббиёт бирлашмаси

ИНН: 200283276

Шхв: 401722860032247073101054010

Уз.Рес.Молия вазирлиги Газначилиги

х/р: 23402000300100001010

МБ ХККМ Тошкент шаҳар

МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар:



Ш.Камолов

“ПУДРАТЧИ”

“SADAF STROY KAMFORT” Масъулияти
чекланган жамияти

Андижон вилояти, Асака тумани,

Ниёзботир маҳалла Хуррият кўча -115 –уй

х/р: 20208000305376255001

ТИФ Миллий бани Асака филиали

МФО: 00893 ИНН: 308396751

Раҳбар:



М. Абдусаломов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

MP3007583308

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Asaka tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 16.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Asaka tuman yuridik
markazi
bosh yuristkonsulti:



B.S.KIMSANBOYEV

17.11.2022

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 178363 на приобретение «Andijon viloyati Asaka tuman tibbiyot birlashmasi Yuqumli kasalliklar binosini mukammal ta'mirlash»

Способ проведения электронный

Дата 11.11.2022

Время рассмотрения 11.11.2022 19:59

Закупочная комиссия Асака тумани Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KAMOLOV SHERZODBEK MIRZAKBAROVICH	Директор	Асака тумани тиббёт бирлашмаси
Секретарь комиссии	ARIPOVA SHOIRAXON MAXMUDJONOVNA	гл.Бухгалтер	Асака тумани тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	RASULOV ILXAMJON MAMIROVICH	ишчи	Тиббиёт бирлашма
Член комиссии	ALIMOV BAXTIYOR MUKARRAMOVICH	А.Т.Т.Б Бош мовуни	Комиссия раиси
Член комиссии	SULTONOV DAVRONBEK YUNUSALIYEVICH	Ишчи	Асака тумани тиббиёт бирлашмаси
Член комиссии	ISAQOV SARVARBEK DILMUROD O'G'LI	Ишчи	Асака тумани тиббиёт бирлашмаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 11.11.2022 года № лота 178363.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 0

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	879 389 630.00
Стартовая сумма	879 389 630.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Коррупсия йул куймаслик ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупсия йул куймаслик ариза

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АВАЗБЕК ИМКОН	20	850000000	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
КУРИЛИШ						
ООО SADAФ STROY KAMFORT	20	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Иш тажриба

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш тажриба

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ	20	850000000	20	Экспертная		
ООО SADAФ STROY KAMFORT	20	20	20	Экспертная		

Критерий №3 Малакали ишчи ходимлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Малакали ишчи ходимлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ	20	850000000	10	Экспертная		
ООО SADAФ STROY KAMFORT	20	20	20	Экспертная		

Критерий №4 Зарурий техникалар

Тип: Текстовое значение

Описание: Зарурий техникалар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ	20	850000000	20	Экспертная		
ООО SADAФ STROY KAMFORT	20	20	20	Экспертная		

Критерий №5 Кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ	20	850000000	10	Экспертная		
ООО SADAF STROY KAMFORT	20	20	20	Экспертная		

Критерий №6 Жойига бориб урганиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Жойига бориб урганиш

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ	20	850000000	10	Экспертная		
ООО SADAF STROY KAMFORT	20	20	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО SADAF STROY KAMFORT	879 389 630.00	874 389 630.00 UZS	874 389 630.00	00.00	874 389 630.00	11.11.2022 16:08:00	29.1632
АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ	879 389 630.00	850 000 000.00 UZS	850 000 000.00	00.00	850 000 000.00	11.11.2022 15:19:07	30

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО SADAF STROY KAMFORT	70	29.1632	99.1632
АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ	46.6669	30	76.6669

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 178363 от 11.11.2022 года на приобретение « Andijon viloyati Asaka tuman tibbiyot birlashmasi Yuqumli kasalliklar binosini mukammal ta'mirlash» определила победителем:

ООО SADAF STROY KAMFORT
308396751

и резервный исполнитель: АВАЗБЕК ИМКОН КУРИЛИШ (303084724)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	KAMOLOV SHERZODBEK MIRZAKBAROVICH	Согласен	
Член комиссии	SULTONOV DAVRONBEK YUNUSALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	ISAQOV SARVARBEK DILMUROD O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП